

YANGI SIRDARYO

Jamiyat –
islohotlar tashabbuskori

Gazeta 1963-yil 1-iyundan “Sirdaryo haqiqati” nomi bilan chiqa boshlagan Yangi Sirdaryo Gazetasi @yangisirdaryogazetasi

• Ijtimoiy-siyosiy, ommaviy gazeta № 4 (11646) 29-YANVAR 2024-YIL, DUSHANBA



► • Ислоҳот одимлари



“Соғлом оила” хонаси очилди

Аҳоли саломатлиги билан боғлиқ муаммоларга ечим топиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Сирдарё туманидаги “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғини биносидида “Соғлом оила” хонаси ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Баситханова ўз ташрифи доирасида туман ҳокими Ботиржон Мирзақулов, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Хуршид Ҳакимов ҳамроҳлигида маҳалла идорасида очилган “Соғлом оила” хонасига ташриф буюрди. Ташриф доирасида фаолият бошлаган, бирламчи тиббий-санитария муассаса, унинг 2200 нафар аҳолига хизмат кўрсатувчи тиббий бригада аъзолари билан учрашиб, улар олдида турган вазифани ижро этиш механизмлари тўғрисида мулоқот қилди.

Шундан сўнг Э.Баситханова маҳаллада истикомат қилаётган ижтимоий аҳволи оғир, саломатлик кўрсаткичида жиддий муаммоси бор фуқаролар хонадонидида бўлди. Сухбат чоғида аҳоли саломатлиги билан боғлиқ қўшимча тиббий скрининг ўтказиш, бу борадаги ишга республика ихтисослашган тиббиёт муассасаларининг профессор, малакали мутахассисларини жалб этиш ва амбулатор шароитда даволаш, саломатлигини тиклаш юзасидан ўз таклифларини берди.

Шухрат СУЯРОВ

Вилоят ҳокими Акмалжон Махмудалиев раҳбарлигида сирдарёликлар делегацияси аъзолари Хитойга хизмат сафари доирасида “Tiankeda (Tianjin) Science and Technology Park”, “Taitong International Transportation”, “Tianjin Kunpeng Information Technology”, “Yangiyer Bio manufakturier”, “Celco Innovation energy Technology” компаниялари ва “Huazhn” қишлоқ хўжалиги лойиҳаларини бошқариш маркази раҳбарлари, шунингдек, давлат энергетика гуруҳи Халқаро энергетика бошқармасининг ташқи савдо вакили Ло Руйюнь ҳамда Хитой тадбиркорларини Ўзбекистондаги вакили Тан Пинг билан учрашдилар.

СИРДАРЁЛИКЛАР — ХИТОЙДА



Мулоқотлар давомида шериклик истикболлари, шу жумладан, ақли шаҳар, биологик ўғитлар ва препаратлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, савдо ва логистика, гидроэлектростанциялар ва биологистика марказини қуриш, қорамол суяқларини қайта ишлаш каби қатор лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди.

Вилоят раҳбари хитойлик ҳамкорларни Сирдарё вилоятига таклиф қилди. Мақсад шуки, хитойликларнинг воҳамизга ташрифи доирасида кўплаб лойиҳаларнинг амалий босқичига киришилади. Шунингдек, “Dahua technology” компанияси билан “Хавфсиз шаҳар – хавфсиз ҳудуд” лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро англашув меморандуми ҳам имзоланди.

Ҳозирги кунларданок Хитойнинг Шинжон-Уйғур автоном районидаги Урумчи шаҳрида Ўзбекистон-Хитой минтақалараро форуми ўз ишини бошлади. Унда вилоятимиздан ташриф буюрган қатор расмийлар ва 60 нафардан зиёд ишбилармонлар иштирок этмокдалар.

А. Махмудалиев форум доирасида ташкил этилган “Ишбилармонлар ҳамкорлигини кенгайтириш ва умумий фаровонликни амалга ошириш” мавзусидаги конференцияда нутқ сўзлаб, ўз сўзида Хитой билан ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва Сирдарёга инвестиция киритиш истикболлари ҳақида тўхталди.

Вилоят ҳокими ўз нутқининг охирида хитойлик сармоядорларни Сирдарё бозори имкониятларини ўрганиб чиқишга ва вилоятга фаол сармоя киритишга чорлади.

Конференция “B2B” ва “G2B” форматидаги учрашувлар билан давом этди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, музокаралар якунида умумий қиймати 1,5 миллиард долларлик 21 та келишувга эришилди.

Вилоят ҳокимлиги
Матбуот хизмати бўлими

• Таълим: илғор таъжириба

КИЧКИНА МАКТАБНИНГ КАТТА ЮТУҚЛАРИ

УСТОЗИНГ КИМЛИГИНИ АЙТ...

Халқимизда кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни, деган мақол бор. Сайхунобод туманининг “Нуробод” маҳалласида жойлашган 3-умумтаълим мактабида бўлганимизда беихтиёр ҳаёли-

миздан шу отасўз ўтди. Бунинг сабабидан мақола билан танишгач, воқиф бўласиз, албатта.

Мактаб биноси ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган. Тўғрироғи, шифохона вазифасини бажарган бино мактабга мослаштирилган.

120 ўринли мактабда айни чоқда 200 нафар ўқувчи таҳсил олмокда. 2008 йилда мактаб капитал таъмирдан чиқарилди. Ўшанда мактаб учун ягона кўшимча бино — спорт зали қуриб берилди. Мактабнинг фаоллар зали, фойеси йўқ. Бироқ тумандаги шу кичкина мактаб иқтидорли ўқувчи ва ўқитувчилари билан нафақат вилоят, балки мамлакат ва Марказий Осиёга танилмокда.

(Давоми 2-бетда)



(Бошланиши 1-бетда.)

КИЧКИНА МАКТАБНИНГ КАТТА ЮТУҚЛАРИ

Қандай қилиб дейсизми? Танишинг бўлмаса. Яқинда Қозоғистон давлатининг Олмаота шаҳрида ўтган математика фани бўйича анъанавий ХХ Жаутиков халқаро олимпиадасида мазкур мактабнинг 2 нафар ўқувчиси бронза медалларини қўлга киритди. Улар 8-синф ўқувчиси Азизбек Мамажонов ва 6-синф ўқувчиси Озодбек Орифжоновлардир. Характерли бир факт: 13 ёшли Озодбек ўтган 20 йил орасида мазкур олимпиадада ғолиблар сафидан ўрин олган биринчи “Энг ёш иштирокчи” сифатида рўйхатдан жў олди.

Зулфия Қўзиева 1993 йилда Гулистон давлат университетининг математика-информатика йўналишини тугатган. Унга бир савол билан мурожаат қилдик:

— Аниқ фанларга болалар унча-мунчага қизиқишмайди. Сиз бунинг қандай уддасидан чиқаяпсиз?

— Бунинг ҳеч қандай ажабланарли сири йўқ, — дейди З.Қўзиева. — Аввал ўқувчиларни фанга қизиқтирасиз, сўнгра эринмай улар билан яқма-яқка шуғулланасиз. Бор ҳақиқат — шу.

Мақтабдаги кўпчилик болалар ҳозир математика фанига қизиқиб қолишган. Бунинг сабаблари бор, албатта. Халқаро Жаутиков олимпиадасида бронза медалларига эга чиққан А. Мамажонов ва О. Орифжонов республикамизнинг ўзлари танлаган исталган олий ўқув юртига грант асосида имтиёзли тарзда ўқишга кириш ҳуқуқини қўлга киритди. Боз устига, бу икки йилгичага 4 та хорижий давлатлар олий ўқув юртига ҳам тест-синовларисиз ўқишга кириш имконияти берилди.

Февраль ойида Буюк Британия давлатида ўтадиган Халқаро математика олимпиадасида вилоятимизнинг 7 нафар ўқувчидан иборат жамоаси қатнашади. Уларнинг 2 нафари

Олмаота шаҳрида ўтган халқаро олимпиадада қатнашган 3-умумтаълим мактабининг ўқувчиларидир.

Ковун ковунни кўриб, ранг олади, деганларидек, мактабда математика фанига ихлос қўйган ўқувчилар сони йил сайин кўпайиб бораётти. 11-синф ўқувчиси Жавоҳир Аҳадов математика фани бўйича Давлат тест марказининг сертификати кўлга киритди. Олийгоҳларга кириш имтиҳонларида энди у имтиёзга эга бўлади. 3-синф ўқувчиси Афруз Саидов математика ва инглиз тили фанлари бўйича вилоятда кучли ўнналикдан жой олди. Унинг тенгдоши Сардор Солиев ментал арифметика мусобақаларида вилоятда 3-ўринни эгаллади. Олмос Турсунов ва Бехруз Казакбоевлар “Сирдарё даҳолари” танловида ғолиб чиқиб, 5 миллион сўмлик ваучерларга эга чиқди. Энди улар вилоятдаги исталган ўқув марказида текин шуғулланишлари мумкин.

Мақтаб директори Н.Ғаниева кўнгилни ғаш қиладиган иккита воқеа ҳақида албатта, ёзишимизни илтимос қилди.

— Мактабимизда фан олимпиадаси ғолибларини тақдирлашга бағишлаб катта йиғилиш ўтказдик. Ота-оналар, устозлар дил сўзларини изхор этиб, ҳар икки ўқувчимизга тантанали равишда эсадалик совғаларини топширишди. Бирок туман ҳокимлигидан: “Раҳмат, сизларга!”,

деб ғолиб ўқувчиларимизни табриклаб кетадиган бирор-та мулозим топилмади. Ахир, мухтарам Президентимизнинг: “Мақтаблар учун энди шахсан ҳокимлар жавоб беради”, дея берган топшириқлари нахот уларнинг ёдидан кўтарилган бўлса?! — дейди Н. Ғаниева.



Яна бир муаммо: Вазирлар Маҳкамасининг 823-қарори 30-бандида дарж этилганидек, Халқаро фан олимпиадаларида ғолиб чиққан ўқувчилар ва уларнинг устозларига, шунингдек, мактаб ва унинг раҳбарига пул мукофотлари берилиши назарда тутилган. Тегишли идоралар бу масалада ҳам оёқларини тираб туришибди. Биз эса, мақсадга эришиш учун курашмаяпмиз.

САЙХУНЛИК МЕЦЕНАТЛАР

Қаерда моддий рағбат бўлса, ўша жойда маънавий-маърифий ривожланиш бўлади. “Раҳимжон орзуси” кўптар-

мокли фермер хўжалигининг раҳбари Мурод Турғунбоев мактабнинг аълочи ўқувчиларига ҳар ойда ўзи таъсис этган 500 минг сўмлик стипендиясини тақдим этмоқда. Бу хотамтой тадбиркор мактаб директорининг фарзанди аржуманди бўлади.

— Ўғилларим мени ҳаж зиёратига жўнатмоқчи бўлишди, — дейди Н.Ғаниева. — Пулланинг кўпайган бўлса, мактабга ёрдам беринлар дедим. Ахир Ўзбекистоннинг келажаги бугун мактаб парталарида ўтирган қора кўзларга боғлиқ-да!

Яхшининг иши ибратдир, деган гап ҳақроқ. Хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлайдиган янги меценатлар пайдо бўла бошлади. “Қурама” фермер хўжалигининг раҳбари Исмоил Мирзаев ҳар чоракда 10 нафар аълочи ўқувчига ўзи таъсис этган стипендияларини улаша бошлади. Биринчи ўринни эгаллаган ўқувчига 300 минг, 2-ўрин соҳибига 200 минг, 3-ўрин эгасига 150 минг сўм миқдорида рағбат пуллари тарқатилмоқда. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Тадбиркор томонидан спортда қувонарли натижаларга эришган бир талабанинг 23 миллион сўмлик суперконтаркти пули

тўлиб берилди. Боз устига, хотамтой биродаримиз шу мактабдан олий ўқув юртига ўқишга кирган талабаларнинг ҳар бирига контракт пулининг 2 миллион сўмини тўлаб беришни ўз гарданига олди.

Мақтаб нафақат аниқ фанлар бўйича, балки санъат соҳасида ҳам сезиларли ютуқларни қўлга киритмоқда. 9-синф ўқувчиси Азизбек Раҳматов “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг иккинчи мавсуми доира-сида ўтказилган “Миллий ва замонавий чолғу ижрочилиги” танловининг Республика босқичида доира куйларини маромига етказиб ижро этиб, фахрли III ўринни эгаллади. Унга дипломни шахсан Маданият вазирининг ўзи Озодбек Назарбеков топширди.

— Бу кун умрбод менинг эсимдан чиқмайди, — дейди А. Раҳматов. — Келажада эл севган созанда бўлмоқчиман.

Шу ернинг ўзида Азизбек доирада биз, меҳмонлар учун “Тулсара” куйини чалиб берди.

Назира Хайдаралиевнанинг ўзи ҳам “Сен азиз ва муқаддасан, аёл” танловига тайёргарлик кўраётган экан. Илҳом келганда шеърлар ёзиб тураркан. Директор битган назм намуналаридан баҳра олдик.

Мақтаб ҳаёти билан таниш-гач, камина шундай тўхтамга келдим. Халқимиз бежиз: “Бошлиқ бўлсанг, бошли бўл”, деган мақолни тўкмаган. Биз бўлган мактабда бошли раҳбарни қўллаб-қувватлаган аҳил жамоа саяй-ҳаракати туфайли катта ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Мухаммадали АХМАД

Тасвирларда: мактаб директори Назира Ғаниева ва математика фани ўқитувчиси Зулфия Қўзиева Халқаро математика олимпиадасининг совриндорлари Азизбек Мамажонов ва Озодбек Орифжоновлар билан; бошлангич синф ўқитувчиси Дилфуза Ниязова ментал арифметика танлови ғолиблари бўлган ўқувчилари даврасида.

Суратлар муаллифники.

МАҲАЛЛАДА АҲИЛЛИК БЎЛСА...

• Журналист суриштируви

Бир неча кун муқаддам ижтимоий тармоқларда Сирдарё туманида истиқомат қилувчи Абдукарим Ҳасановнинг видеомурожаати тарқалган эди. Маълум бўлишича, туманининг “Орзу” маҳалласида газ таъминоти узиб қўйилган, қувурлар кесиб кетилган. Бир неча бор қилинган мурожаатларга қарамай бу масалага дахлдор масъуллар ҳамон панжа ортидан қараб келишмоқда. Аҳоли эса, қийин аҳволда қолаётганлиги иддао қилинади.

Табиий газ таъминоти узилишидан норози бўлган фуқаро А. Ҳасанов бу хусусда юқори турувчи ташкилотларга кўп маротаба мурожаатлар билан чиққан. “Адолат кўзгуси” газетасининг 2023 йил 23 мартдаги 11-сониди бу борада

“Ваъдалар бажарилсагина халқ сизга ишонади, жаноблар!” сарлавҳали мақола ҳам чоп этилган.

“Янги Сирдарё” газетаси таҳририяти вазиятни аниқлаш мақсадида ҳолис журналистик суриштирувни амалга оширди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 10



июндаги “Республика иқтисодий тармоқлари 2016-2017 йилларда куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги ПК-2545-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида бошқа ҳудудлар сингари Сирдарё туманидаги “Орзу”, “Туркистон”, “Аҳиллик” маҳаллалари табиий газ танқислиги сабабли суюлтирилган газ таъминотига ўтказилган.

Газ таъминоти узилиши, қувурларнинг кесиб кетилиши, аҳолининг суюлтирилган газ таъминотида ўтказилиши жараёнларига масъуллар ва “Орзу” маҳалласи раиси Суннатилло Ҳажаевнинг алоқаси йўқ. Қолаверса, маҳалла раиси ўша даврда бошқа лавозимда фаолият юритган. 2022 йил 24 май ойдан лавозимида иш бошлаган. Раис этиб сайлангандан буён у киши фуқароларга ҳар жихатдан енгиллик яратишга ҳаракат қилиб келмоқда. Хусусан, қиш мавсуми учун бир тоннаси 303 минг сўмлик қўмир дўконларга келтирилган. Бундан ташқари, раиснинг кам таъминланган ва ногиронлиги бор инсонларга беғараз ёрдам кўрсатаётгани ҳақида фуқаролар билан суҳбатлашиш жараёнида хабардор бўлдик.

— Маҳаллада йиғилиш ўтказиб, фаоллар ва меҳнат фахрийлари билан ўзаро маслаҳатлашдик. Шунга кўра, 6 километрлик масофага ўзимиз табиий газ қувурларини мутахассислар ёрдамида ҳашар йўли билан улаб, ўрнатишни шу йилнинг февраль ойидан бошламоқчимиз, — дейди С.Ҳажаев.

Мурожаатчи А.Ҳасановнинг уйига борганимизда унинг турмуш ўртоғи

Рўзигул Ҳасанова маҳалла раҳбарияти уларнинг оиласига доимий равишда қўмак бериб келаётганини айтиб, миннатдор эканлигини билдирди.


Бизнинг ҳам мақсадимиз мурожаатни изчиллик билан ўрганиб, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларга ечим топилишида қўмак бериш эди. Ташрифимиз чоғида “Орзу” маҳалласидаги маънавиятли инсонларга рўбарў бўлдик. Мулоқот давомида аниқланишича, бир гуруҳ тадбиркор ва фермерлар шу маҳалладаги ўзлари таълим олган 22-умумий ўрта таълим мактаби учун 10 та, 4-ДМТТ учун 4 та кондиционер, иситиш мосламалари совға қилганлар. Беминнат ҳимматининг кўрсатилиши алоҳида эътирофга лойиқ. Бундан ташқари, маҳалла идораси биноси ҳам эскириб кетганлиги сабабли ҳашар йўли билан янги бино барпо этилибди. Фуқароларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда “OPEN BYUDJET”да ютиб чиқиб, айрим кўчаларни асфальт қилдиришга муваффақ бўлишгани таҳсинга лойиқ.

Айниқса, кам таъминланган кишиларга ёрдам бериб, кўчаларнинг ободлиги учун ҳам ўзларининг ҳомийликлари билан ибрат бўлаётган инсонлар борлиги бизни беҳад мамнун қилди.

Зеро, ободлик кўнгилдан, остонадан бошланади. Тотувлик бор жойда барака бўлади. Ўзларининг қадрдон гўшасига меҳр қўйганлар аҳил бўлсалар, албатта турмуш фаровонлигига эришадилар.

Хуршида НИШОНОВА

Суратда: маҳалладаги йиғилишдан лавҳа.



Кўпжылдликларнинг талабгори борми?

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг каналида ажойиб хабарни ўқиб, кўнглимда айрим мулоҳазалар пайдо бўлди. Мамлакатимизда 2024 йилда уюшманинг 90 йиллиги кенг байрам қилиниши кутилмоқда. Ана шу муносабат билан 300 жилдлик “Ўзбек адабиёти хазинасидан”, 200 жилдлик “Жаҳон болалар адабиёти дурдоналари” тўпламларини нашр этиш бўйича ҳукуматнинг қарор лойиҳаси тайёрланибди. Бир сўз билан айтганда, бу залворли лойиҳа мамлакатимиз маданий ҳаётида улкан воқеа бўлиши турган гап.

Хабарда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида 300 жилддан иборат “Ўзбек адабиёти хазинасидан” номли асарлар тўпламини нашр этиш борасидаги мақсад-вазифаларни амалга оширишга қаратилган йиғилиш бўлиб ўтганлиги очиқланган. Бир гуруҳ ижодкорлар иштирокидаги музокарада ушбу муҳим вазифалар ижросини таъминлашга эътибор қаратилибди.

Айни дамда Фанлар академияси ҳамда Ёзувчилар уюшмаси томонидан 300 жилднинг рўйхати шакллантирилибди ва бу ишчи гуруҳ аъзоларига маълум қилинибди. Нотиклар адиблар ва асарлар тартиби бўйича ўзларининг таклиф-мулоҳазаларини билдиришибди. Бироқ ёйинланган ҳисобот-хабарда адиблар билдирган таклиф-мулоҳазалар нималардан иборатлиги келтирилмаган.

Юқорида номлари зикр этилган кўпжылдликларнинг ўқувчилар қўлига етиб бориши бўйича айрим фикрларимизни билдирмоқчимиз. Мустақиллик даврида бундай нашрларни амалга ошириш борасида маълум бир тажриба тўпланди. 100 жилдлик “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари”, 100 жилдлик “Рус адабиёти дурдоналари”, 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” нашрдан чиқди ва чиқмоқда. Афсус-надоматлар бўлсинки, бу китобларнинг кенг ўқирманлар оммаси қўлига етиб бориши муаммолигича қолмоқда. Ваҳоланки, бу каби фундаментал нашрлар ҳар йили босилавермайди. Камина Гулистондаги “Ўқитувчи” китоб дўконидан “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” ҳамда “Рус адабиёти дурдоналари” кўпжылдликларининг маълум бир жилдларинигина сотиб олишга муваффақ бўлдим. Дўкондор мазкур кўпжылдликлар савдода яхши кетмаганлиги учун ушбу нашрларнинг кейинги жилдларини олиб келмади. Қолаверса, бу нашрларни бирданига харид қилиш учун барчанинг ҳамёни кўтармайди. Биргина мисол, ўтган ҳафта китоб дўконидан Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуровнинг 8 жилдлигини харид қилдим. Анчагина катта суммани ташкил этди.

Шўролар замонида яхши бир анъана бор эди. Кўпжылдликларга олдиндан обуна ташкил этиларди. Шунга қараб, кўпжылдликларнинг тиражи белгиланарди. Бугунги кунда ҳам шу яхши анъанани тикласа бўлмайdimи? Тўғри, у пайтда китоб савдоси яхлит бир тизим эди. Барча китоб дўконлари давлат тасарруфида эди. Кўпжылдликларга обуна ташкил қилишда мушкулотлар туғилмасди.

Менинг назаримда ҳозир ҳам шу тутумни амалга оширса бўлади. Чунки ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган даврда бу юмушни осонгина бажариш мумкин. Кўпжылдликни чоп этадиган нашриёт онлайн обуна ташкил этиб, рўйхат шакллантирса, масала ҳал. Обуначи жилдма-жилд пул тўлаб, китобни сотиб олаверади.

Тўғри, муаммо бор. Шу ўринда Ўзбекистонда кўпжылдлик китобларга обуна бўладиган китобхонлар борми, деган савол туғилади. Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг йўлга қўйиш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар кўпжылдликларнинг талабгорлари пайдо бўлишига замин яратади, деган умиддамиз. Демак, юқорида номлари зикр этилган кўпжылдликлар арзимаган тиражда ҳисобот учун чоп этилиши ойдинлашмоқда.

Муҳаммадали АХМАД

• Статистика тизимида

Аҳолини рўйхатга олишда муҳим чоралар

Рўйхатга олиш доирасида ҳар бир шахс ва мамлакатнинг ҳар бир уй ҳўжалиги тўғрисидаги маълумот тўпланади. Аҳолини рўйхатга олишда шахсларнинг шахсий ҳаётлари қизиқтирмайди. Рўйхатга олишнинг мақсади жамият ва аҳоли гуруҳлари ҳақида статистик маълумотларни ишлаб чиқишдан иборат. Шу асосда жамоатчилик шахсга доир маълумотлар махфийлигининг сақланишига ишонч ҳосил қилиши керак. Исmlар, манзиллар ва шахсий идентификация рақамлари шахсий идентификаторларни рўйхатга олиш натижалари пайдо бўлишига йўл қўймаслиги ва бошқа маълумотлардан имкон қадар тезроқ чиқиб кетиши учун аҳолини рўйхатга олиш жараёнида ошкор қилинмаслиги керак.


Махфийлик талаби рўйхатга олиш жараёнида тўлдирилган рўйхатга олиш варақаларини ҳимоя қилиш ва уларни қайта ишлаш, якуний материаллар ва нашрларда мавжуд бўлган маълумотларни ҳимоя қилиш билан якунланган рўйхатга олишнинг барча босқичларини қамраб олади. Жамоатчилик томонидан тақдим этилган маълумотларни қайта ишлаш жараёнида рўйхатга

олиш органлари, ҳодимлар ва улар томонидан рўйхатга олиш ишларини ўтказишда иштирок этиш мақсадида ёлланган барча шахслар томонидан тўлиқ махфийлик тамойилларига риоя қилишлари кафолатланиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ҳодимлари томонидан МДХ ва бошқа қўллаб ҳорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганган ҳолда ишлаб чиқилди ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 21 ноябрда қабул қилиб, Сенат томонидан 2020 йил 28 февралда маъқулланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 16 март куни “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонун ЎРҚ-611-сон билан қабул қилинди. Ушбу қонун 5 боб, 31 моддадан иборат бўлиб, унинг 10-моддасида “Аҳолини рўйхатга олишнинг шахсга доир маълумотлари махфий бўлиб, респондентнинг розилигисиз ошкор этилмайди ва тарқатилмайди,” деб белгилаб қўйилган.

Ғ. САНГИНОВ,

Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими бош мутахассиси



Агротехник тадбирларнинг аҳамияти

Кейинги йилларда мамлакатимизда ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасини бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, фитосанитария ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ташқи бозорда маҳаллий озик-овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Яратилган қулай имкониятлардан фойдаланиб, томорқа ер эгалари, фермер ҳўжаликлари, кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорти ва импорти билан шуғулланувчи корхоналар, кузги-кишки мавсумда дала ва майдонларини сифатли шудгорлаш, шудгорланган майдонларга кишки яхоб суви бериш, дарахтларнинг қуриган шохларини кесиш, зарарланган новдаларни олиб ташлаш каби агротехник тадбирларни амалга ошириш лозим. Шунингдек, дарахтларни эски пўстлоқлардан

тозалаш, уларнинг танасига тутқич белбоғларни боғлаш ҳамда мезалар қадокланган бостирмалар атрофи, иморатлар ва уларнинг ҳудудларини тозалаш, чиқиндиларни белгиланган тартибда йўқ қилиш, кузги бошқоқли дон экинларини маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклантиртиш каби ишларни бажариш керак бўлади.

Юқорида қайд этилган агротехник тадбирларни амалга ошириш натижасида фитосанитар ҳолатнинг яхшиланиши, ҳосилдорликнинг ошиши, пировардида мамлакатимизда етиштирилаётган маҳсулотлар экспорт салоҳиятининг янада юксалиши, деҳқон ва фермерларимизнинг даромадлари ошишига эришилади.

Ж.БОЙЭШОНОВ,
А.НИХАЛОВ,

вилоят ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси чегара маскани инспекторлари

Ҳунари туфайли олқиш олиб...

Улғайган чоғида отаси Алишер акага мададкор бўлиш хоҳиш-истаги мирзаободлик Хуршид Йўлдошевнинг юрагида мактаб ёшидаёқ уйғонган эди. Шу боис у 2004 йилда Гулистон шаҳридаги 6-мактабнинг 9-синфини тамомлаганида амакиси Шерали уни шаҳардаги ўзи фаолият кўрсатадиган

чилангарлик устахонасида ишловчи Энвер исмли устага шогирдликка берди.

Хуршид икки йил давомида устозидан ўзи меҳр қўйган касб-ҳунарнинг барча сир-асрорларини кунт билан ўрганиб, 2006 йилдан мустақил иш бошлади. Ҳозирги кунда турли ишлаб чиқариш дастгоҳларига ва автотехникаларга зарур бўлган, лекин таъмирталаб ҳолга келган баъзи эҳтиёт қисмларни ясаб бераётган меҳнаткаш йигитнинг бир неча нафар уқувли шогирдлари ҳам бор.

— Хуршидjonнинг отасига раҳмат, — дейди Гулистон шаҳрининг Улуғобод кўрғонига яшовчи меҳнат фахрийси Абдураззоқ хожи Бегалиев. — Бундан бир неча йил аввал у мушкулимни осон қилганида танишиб қолган эдим. Мен унинг ўз ишини сифатли, тезкор бажаришига ва самимийлигига ҳавасим келади.

Ота-боболаримизнинг ҳунари борнинг бахти бор, деганлари рост гап. Севган ҳунари билан муносиб ҳурмат қозониб келаётган Хуршиднинг эзгу ишларига ривож тилаймиз.

Баҳодир РАҲМОН



• Орамиздаги одамлар

• МАЪЛУМОТ



Кадастр паспорти учун тўловлар Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 186-сонли қарори билан белгилаб қўйилган.

Хусусан унга қўра, кадастр паспортини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархлари қуйидагича белгиланган:

1) Кўчмас мулк объектларининг турар-жой фондига оид қисмига кадастр паспортини тайёрлаш ва кадастр хужжатларини расмийлаштириш:

- Кўп квартиралли уйдаги квартираларга 3 иш куни мобайнида, якка тартибдаги турар жойларга 5 иш куни мобайнида — объектнинг 1 квадрат метр учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,15 фоизи, яъни 3910 сўм маблағ ундирилади.

2) Кўчмас мулк объектларининг нотурар бино ва иншоотларга оид қисмига кадастр паспортини тайёрлаш ва кадастр хужжатларини расмийлаштириш:

- Умумий майдони 100 квадрат метргача бўлган кўчмас мулкларга 5 иш куни мобайнида — БХМнинг 1 баравари, яъни 340 000 сўм;

- Умумий майдони 100 квадрат метрдан 1000 квадрат метргача бўлган мулкларга 7 иш куни мобайнида — объектнинг 1 квадрат метр учун БХМнинг 1,15 фоизи, яъни 3910 сўмдан;

- Умумий майдони 1000 квадрат метрдан 5000 квадрат метргача бўлган мулкларга 10 иш куни мобайнида — БХМнинг 17,25 баравари (5 865 000 сўм);

- Умумий майдони 5000 квадрат метрдан 15000 квадрат метргача бўлган мулкларга 15 иш куни мобайнида — БХМнинг 34,5 баравари (11 730 000 сўм);

- Умумий майдони 15000 квадрат метрдан 50000 квадрат метргача бўлган мулкларга 20 иш куни мобайнида — БХМнинг 57,5 баравари (19 550 000 сўм);

- Умумий майдони 50000 квадрат метрдан ортик бўлган мулкларга 25 иш куни мобайнида — Базавий ҳисоблаш миқдорининг 80,5 баравари (ҳозирги кунда 27 370 000 сўм).

Нархлар базавий ҳисоблаш миқдори бўйича ҳисобланди. Базавий ҳисоблаш миқдори ўзгарганида кадастр хизматларининг нархи ҳам мутаносиб равишда ўзгаради.

Кадастр соҳасида имтиёзлар:

1-2- гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ёки Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси давлат хизматлари нархи хизматлар умумий қийматининг 50 фоизини тўлайди.

Шу билан қуйидаги давлат хизматлари БЕПУЛ амалга оширилади:

- кўчмас мулк объекти бўйича бирламчи кадастр йиғмажилди (паспорти) мавжуд бўлиб, бегоналаштирилганда ёки объектда ўзгаришлар (реконструкция, қўшимча ва алоҳида қурилиш) мавжуд бўлмаганда;

- кўчмас мулк объектнинг бир қисми бегоналаштирилганда объектнинг қолган қисмига ёки реконструкциясиз тоифаси ўзгарганда;

- кадастр йиғмажилди (паспорти) йўқолганда (яроқсиз ҳолга келганда).

Ушбу ҳолатларда кадастр паспорти 3 иш куни мобайнида расмийлаштирилади.

Қоғоз шаклидаги кадастр паспорти Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали, пластик шаклдаги кадастр паспорти фақат Давлат хизматлари марказлари орқали тақдим этилади.

ЯИДХП орқали мурожаат этилганда тўлов қиймати суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Абдуғаффор ЭСИРГАДИЕВ,
Давлат кадастрлари палатаси Гулистон туман филиали бошлиғи



ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР — ФУҚАРОЛАРГА

Мамлакатимизда аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада аҳолининг ўзини ўзи банд қилиши муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Бунинг учун ушбу йўналишни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2020 йил 8 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сонли қарори қабул қилинди ва мазкур қарор билан ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун жами 101 йўналишдаги фаолият, ишлар ва хизматлар турлари белгилаб берилди.

Мазкур фаолиятлар, ишлар ва хизматлар турларида аҳолининг ўзини ўзи банд қилиши мумкин бўлган барча йўналишлар қамраб олинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган, бироқ солиқ даври давомида юз миллион сўмдан ошмайдиган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари тарқибига киритилмаслиги белгилаб берилган. Ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил

учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатан ишлаган вақтидан қатъий назар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи ҳажмида тўлаши ҳамда ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилиши ва ундан келиб чиққан ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланиши лозим эди. Ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилар сони камида уч нафар бўлган оилавий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлашлари каби қатор имтиёз ва қулайликлар яратилди.

Жумладан, вилоят солиқ бошқармаси тақдим этган маълумотга қўра, 2023 йил 28 декабрь ҳолатига вилоятимизда ўзини ўзи банд қилганлар 69 265 нафарга етган. Шундан 39 153 нафар фуқаро

2023 йил давомида ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиб, бу борада Сирдарё тумани (6550 нафар), Боёвут тумани (5057 нафар), Гулистон шаҳри (4833 нафар), Сайхунбод (4264 нафар) ва Мирзаобод (4011 нафар) туманлари етакчилик қилмоқда.

Вилоятимизда маиший хизматлар бўйича 16696 нафар, кишлок хўжалиги йўналиши бўйича 9589 нафар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича 4966 нафар, ижтимоий йўналиш бўйича 3932 нафар, саноат йўналиши бўйича 2915 нафар ва ахборот-коммуникация йўналиши бўйича 1055 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган.

Таъкидлаш жоизки, муҳим қарорлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида янада кенг тарғиб қилиш бу борадаги ишларимизнинг янада самарали бўлишига хизмат қилади ва вилоятимиз аҳолисининг ўзини ўзи банд этиши ҳамда ушбу фаолият турларини вилоятимизда ривожланишини таъминлайди.

Улуғбек СОТИБОЛДИЕВ,
Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши 7-Деҳқонобод сайлов округи депутати

• Инсон қадри — улуг

Хар бир мурожаат эътиборда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Оқолтин туманидаги Халқ қабулхонаси томонидан “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ижроси юзасидан 2023 йил давомида Халқ қабулхонасига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларнинг қонуний ҳал этилиши аҳволи умумлаштирилди.

Ўтган 2023 йил давомида туман Халқ қабулхонасига жами 748 та мурожаат келиб тушган бўлиб, улардан 631 таси қаноатлантирилган, 109 тасининг ечими бўйича ҳаракатлар давом этмоқда.

Шунингдек, ички ишлар фаолияти юзасидан 17 тага, соғлиқни сақлаш масаласи бўйича 31 тага, уй-жой билан таъминлаш бўйича 51 тага, бандлик масаласи бўйича 29 тага, моддий ёрдам олиш бўйича 94 тага, алимент ундириш масаласи бўйича эса, 38 тага қамайишига эришилди.

Туман ҳокими — 1-сектор раҳбари



К.Эрназаровнинг “Бўстон” маҳалласида ўтказган сайёр қабули давомида маҳалланинг Юксалиш кўчасида яшовчи фуқаро Нилуфар Қобированинг ичимлик сув тармоғидаги носозликларни бартараф этиш юзасидан қилган мурожаати ўша куннинг ўзидаёқ ҳал этилди. Туман “Сувоқова” МЧЖ томонидан ичимлик суви тармоғи таъмирланиб, Юксалиш кўчасидаги 110 та хонадон ичимлик суви билан таъминланди.

Амалга оширилган ишлар танланма асосида жойларга чиқиб, ўрганилганда “Аҳиллик” МФЙ Бирлашган кўчасида яшовчи фуқаро Ғанишер Шодмоновга ховлисида иссиқхона қуриши учун учун 33,0 миллион сўм миқдордаги имтиёзли кредит ажратилиб, ҳозирда иссиқхона фаолияти давомида йўлга қўйилган. Туркистон кўчасида яшовчи Лолахон Файзиевага тикувчилик учун 33 миллион сўм миқдордаги имтиёзли кредит ажратилганлиги, эндиликда ўзининг фаолияти туфайли оиласига даромад олиб келаётганлиги аниқланди.

Барча ишларни бажаришда халқ билан ёнма-ён турган ҳоким ёрдамчиларининг қўмақлари асқотаётир.

Ғ. ХОЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Оқолтин туманидаги Халқ қабулхонаси мудири

Гулистон олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг стол тенниси мураббийси, олий тоифали тренер Лобаргул Мирзаходжаева 2023 йил декабрь ойида бўлиб ўтган “Йил аёли”, “Гендер тенглик фаоли” кўрик-танловларининг республика босқичида “Йилнинг энг фаол соғлом турмуш тарғиботчиси” номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритган.

Бугунги кунда марказда 24 та йўналиш бўйича 441 нафар ўқувчи тахсил олади. 67 нафар тренер ва 23 нафар ўқитувчи уларга спорт сирларини ўргатиб келишмоқда. У ерда ёшларнинг спорт билан шугулланишлари учун барча шароитлар муҳайё.

Лобаргул МИРЗАХОДЖАЕВА:

“Соғлом яшамок — бахт”

Лобаргулни залда ёшлар билан машғулот ўтказётган пайтда учратдик. Шу ўринда бироз ортга чекина-миз.

Мирзаобод туманидаги 13-умумтаълим мактаби вилоятдаги теннис спортига асос солган мактаб сифатида эътироф этилади. Лобаргул ана шу мактабда таълим-тарбия олган ва спортга ошнолиги ҳам ўша ўқувчилик даврида бошланган. Тўғриси, у мактабга бормасдан аввал 5 ёшида теннисга кизиқиб қолган. Ўқувчилик даврида эса, устози Мухтор Саиткуловдан тенниснинг барча сир-асрорларини пухта ўрганди. Бўладиган бола бошидан маълум, деганларидек, устози унинг келажакда ажойиб спортчи, вақти келиб, ўзи каби тренер бўлишига астойдил ишонганди. Шундай бўлди ҳам. Устоз Лобаргулни кичик мусобақалардан тортиб, йирик республика ва халқаро чемпионатларгача тайёрлади. Шогирд устозининг ишончини оқлади ва оқламоқда. Ҳозирги кунда у устози билан ёнма-ён ишламоқда.

Лобаргул мана, 19 йилдан бери спортнинг ушбу тури бўйича шугулланади. Ўтган йиллар давомида у жуда кўплаб, жумладан, республика ва халқаро мусобақаларда муваффақиятли катнашиб, мамлакатимиз шарафини химоя қилди. Дастлабки ютуқни 2000-йилларнинг бошларида “Олимпия умидлари” мусобақасида 1-ўринни эгаллаган бўлса, кейинчалик уч босқичли спорт ўйинларида, Гулистон давлат университетида жисмоний тарбия йўналиши бўйича тахсил олаётганида “Универсиада” мусобақаларида катнашиб, фахрли тўртликдан ўрин олди. Яна қатор нуфузли мусобақаларда ғолибликни қўлга киритди.



Л.Мирзахўжаева 2018 йилдан буён Гулистон олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида стол тенниси спорт тури бўйича мураббий (тренер-ўқитувчи) бўлиб фаолият кўрсатмоқда.

Лобаргул тренерлик фаолияти давомида 100 нафардан зиёд ёш стол теннисчиларини етиштириб чиқарди, вилоят терма жамоасига бир қатор спортчиларни тайёрлади. Шогирдлари Ўзбекистон Республикаси чемпионати ва Ўзбекистон Кубоги мусобақаларида фаол иштирок этиб келишмоқда. Шогирдларидан бир неча нафари теннис бўйича республика терма жамоаси аъзолари саналдилар. Унинг раҳбарлигида 5 нафар шогирди “Спорт усталигига номзод” бўлишди. 13 нафар ўқувчиси эса, олий таълим муассасаларида тахсил олмоқда.

Шунингдек, қаҳрамонимиз ҳамкасблари орасида ташаббускор ва ташкилотчилиги, айниқса, соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси сифатида ажралиб



туради. Марказдаги дарс ва машғулотлардан ташқари, бошқа таълим-тарбия масканларида, маҳаллаларда, жумладан, ўзи яшаб турган Гулистон шаҳри-

оиласи. Турмуш ўртоғи Лазиз Абдурахимходжаев ҳам спортчи. Ҳозирда у тадбиркорлик билан шугулланса-да, оила аъзоларини мунтазам қўллаб-қувватлаб, уларга кўмаклашади. Фарзандлари: 10 ёшли Меҳрибон ва 9 ёшли Ғолибжон ҳам теннис билан шугулланишлар. Лобаргул марказдаги ногиронлиги бўлган спортчилар (дарвоқе, бу гуруҳга турли ёшдагилар киради) билан ҳам алоҳида шугулланади. Айни пайтда гуруҳда 3 нафар аъзо бор. Армрестлинг бўйича 13 карра жаҳон чемпиони Умид Аҳмедов пара стол тенниси бўйича ҳам у ўзини намоён қилмоқда. У шу йўналишда 3 карра Ўзбекистон чемпиони.

— Яна бир ўқувчим Хуснора Саъдуллаева ҳақида алоҳида тўхталаман, — дейди Лобаргул. — Имконияти чекланган бу кизалоққа алоҳида меҳрим тушган. Муштдеккина жуссада шунча ирода, бардош борлигидан хайратга тушаман. Машғулотларга катнай бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин ҳаракатларида ҳар куни бир ўзгариш, силжишни, кўзларида эса, шодликни кўраман. Қувонарлиси, у яқинда бўлиб ўтган ўзи каби спортчилар ўртасидаги республика чемпионатида илк бор катнашиб, фахрли тўртликдан ўрин олди.

Лобаргул билан суҳбатлашиб қайтар эканман, ушбу масканда юртимизда спортни ривожлантиришга, айниқса, ёшларнинг спорт билан янада кенг ва мунтазам шугулланишларига барча имкониятлар яратилганига гувоҳ бўлдим. Бу ерда Президентимизнинг “Мақсадимиз жисмоний ва маънавий етук авлодни тарбиялаш” деган сўзлари ўзининг амалдаги исботини топмоқда.

Холида ПАРДАБОЕВА
Суратда: Л. Мирзаходжаева шогирдлари орасида.

Муаллиф олган сурат.

даги “Бўстон” МФЙ аҳолиси ўртасида, ёшлар ва хотин-қизлар орасида спорт билан шугулланиш, соғлом ҳаёт кечириш инсоннинг яшашига мазмун бағишлаши ҳақида суҳбатлар ўтказди. Спортчи аёл ана шу хизматлари учун муносиб рағбатлантирилмоқда. 2022 йилда вилоятимизда ўтказилган “Беш ташаббус” спорт мусобақаларининг ўтказилишига муносиб ҳисса қўшгани учун Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириши вазирлигининг Ташаккурномаси билан тақдирланган. МДХ давлатлари ўртасидаги танловда фаол иштирок этганлиги учун “Таълим соҳасидаги хизматлари учун” эсдалик нишони билан тақдирланди.

Лобаргулнинг оиласи спортчилар

Назм дафтаридан

СУРАЙЁ (Йигит кўшиғи)

Қизлар ичра сулувисан, Сурайё,
Кипригингда намлар кўрмай сира-ё.
Давраларда гул-гул ёниб ўйнагил,
Кўзим қувнаб, бахтлар тилаб турай-ё.
Сурайёжон, Сурайёжон, Сурайё,
Тарк этмасин сени ибo ва ҳаё.

Изларингга доимо зор бўлайин,
Сочларингга мушкли тумор бўлайин.
Ойга боқиб, ой чехрангни эслаб-о,
Мадҳинг ёзиб, мудом бедор бўлайин.
Сурайёжон, Сурайёжон, Сурайё,
Сен борсанки, олам гўзал ва зебо.

Ял-ял ёниб, маржонларинг ялтирар,
Қўлим тегса, вужудгинам калтирар.
Ўзгалардан қизғонаман ўзингни,
Қалбим доим сен томонга талпинар.
Сурайёжон, Сурайёжон, Сурайё,
Сени турфа нафис гулга ўрай-ё.

Жамила ЮНУСОВА,
Янгир шаҳри,
“Шодиёна” маҳалласи

Яқинда Гулистон шаҳридаги “Баҳор” маҳалласида Ўзбекистон Республика Президентининг 2023 йил 21декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишида биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 209-Фармонида белгиланган “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари ижросини таъминлаш доирасида “Сен азиз ва муқаддассан, аёл” деб номланган маданий-маънавий тадбир бўлиб ўтди.

— Шаҳримизда 24 та маҳалла бор, — дейди тадбир ташкилотчиси, Гулистон шаҳар оила ва хотин-қизлар бўлими раҳбари Азиза Пайзиева, — “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари доирасига тушган “Баҳор” маҳалласида 6 та кўча, 546 хонадон бўлиб, уларда 3550 нафардан ортик аҳоли яшайди. Шундан 1845 нафари хотин-қизлардир. Маҳаллалар тизими фаолиятини яхшилаш мақсадида тадбирларнинг юқори савияда ўтишини таъминлаш учун “Баҳор” маҳалласига шаҳардаги 34 та оталиқ



• Маҳаллада маънавий-маърифий тадбир

ОБОД МАНЗИЛЛАР ЧОРЛАЙДИ

ташкilot бириктирилди.

Энг аввало, аҳолининг кайфиятини кўтариш, баҳамжихатлигини таъминлаш учун вакилларимиз хонадонма-хонадон юриб, муаммоларни ўрганиб чиқиб, амалий ёрдам беришмоқда. Бир нечтадан маҳаллани жамлаган ҳолда тадбирни икки жойда ташкил этиш кўзда тутилганди.

Тадбир ўтган мўъжазгина манзил маҳаллий хотин-қизларнинг ўз қўллари билан яратилган миллий хунармандчилик намуналари билан безатилди. “Ёр-ёр” садолари остида маҳаллага янги тушган келинлар “салом”га чиқишди. Санобархон Минаварова ҳозиргина тандирдан узган бўрсилдоқ, ёгли патирлар дастурхонга қўйилганида унинг иссиқ тафти, хушбўй иси атрофга таралди.

Айниқса, келинлар ўртасидаги ош пишириш танлови янада қизгин тус олди. 6 та кўчадан таклиф этилган 6 нафар келин ўзаро беллашдилар. Шаҳарнинг бошқа маҳаллаларидан келган меҳмонлар ҳакамлар сифатида ғолибларни аниқладилар. Ғолибалар ва иштирокчиларга шаҳар ҳокимлигининг кимматбаҳо совғалари топширилди.

Шўх куй-қўшиқлар даврага янада файз бағишлади. Ишонамизки, янги мезонлар маҳаллалар ҳаётидаги эзгу ишларда ўз самарасини беради. Бу каби мазмунли ва қизиқарли тадбирларни ўтказишдан мақсад аҳоли орасида меҳр-мухаббат, оилапарварлик, фаровон турмуш тарзини юксалтириш, муҳитни янада соғломлаштиришдан иборат.

Янглиш ҲАСАНОВА

• 2014 йил – Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

Гапнинг бўларини айтганда, Сирдарё тумани касб-хунар мактаби вилоят Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси тизимида рейтингнинг биринчи поғонасини эгаллаб турибди. Ўтган йили мактаб директори, вилоят Кенгашининг депутаты Муҳитдин Зарипов хориж тажрибасини ўрганиш учун Франция давлатига бориб келди.

— Мамлакатимизда касб-хунар коллежлари ва мактабларини очишдан қўзланган асосий мақсад қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш эди, — дейди М. Зарипов. — Биз бугунги кунда бозор иқтисодининг талаб ва таклиф қонунига амал қилиб, 12 та касб бўйича мутахассислар тайёрлаяпмиз. Айни чоқда хунар мактабимизда 779 нафар ўғил-қиз ўзлари танлаган касбларнинг сир-асрорларини кунт билан ўрганишмоқда.

Бизнинг кўнгилмизда кўмилиб ётган бир иддао бор эди. Шунини йиманиб бўлса-да, директорга айтдик:

деб топиб айтганлар. Хунар мактаби директорининг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари Махсатилла Тожионов етдикида гуруҳларга йўл олди.

Тикувчилик хонасида ишлаб чиқариш таълими устаси Фарзона Отахонова 1-босқич ўқувчиларига назарий дарс ўтаётган экан. Бўйсара қизларнинг столи устида турли чизмалар, матолар. Қизларни суҳбатга тортдик.

— Хунар мактабига ўзларинг истаб келганмисизлар?

Олд партада ўтирган бир қиз кўлини кўтарди. Умида Бахтиёрова тумандаги 41-умумтаълим мактабининг 9-синфини аъло баҳоларга тугатган экан.

— Тикувчилик касбини яхши кўраман. Хунар мактабига ўз хошим билан келганман. Президентимиз айтганларидек, биз, ёшлар катта ҳаётга бир хунар ва бир хорижий тилни ўрганиб қадам қўйсақкина қоқилмаймиз. Боз устига, хунар мактабига 2 йил ўқиймиз. Умумтаълим мактабларида



“КИЧКИНА БЎЛСАЯМ КАСБИ БЎЛСА, КУНИ ЎТАДИ”



— Мабодо касб-хунар мактаби шўро замонидаги СПТУларга ўхшаб қолмаяптими? Мактаблар қоқоқ ўқувчилардан кутулиш учун сизларни нишонга олишмаяптими?

— Саволингиз ўринли, — деди М. Зарипов. — Сиз айтган иддаолар отам замонида қоқиб кетди. Бугунги ота-оналар фарзандларининг касбли-корли бўлишига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Мен сизга айтсам, ўқувчиларимизнинг 70-75 фоизи мактабимизга ўз ихтиёрлари билан келган. Шоли курмакисиз бўлмайди, деганларидек, сиз айтган тоифадаги ўқувчилар ҳам бор. Бу жараён вақтинчалик, деб ўйлайман. Яхшиси, гуруҳларга кириб, воқелик билан яқиндан танишинг. Вазиятга ўзингиз холис баҳо беринг.

ФАҚАТ ФАКТ. Касб-хунар мактабига фаолият олиб бораётган 6 нафар ўқитувчининг тажрибаси вилоят миқёсида оммалаштирилди. 8 нафар ўқитувчи хорижий тиллар бўйича халқаро сертификатга эга бўлди. Ишлаб чиқариш таълими усталари Нематилла Қўлдашев ва Рустамбек Ровшановларнинг “Қурилиш материаллари” ва “Токарлик ўқув амалиёти” фанлари бўйича ўқитиш материаллари республика миқёсида оммалаштирилди.

Халқаро қўшма дастур асосида ташқи ва ички меҳнат бозори учун Германия таълим дастури асосида тикувчилар тайёрлаш бўйича дуал таълим йўлга қўйилди.

Ота-боболаримиз: “Юз марта эшитгандан бир марта кўрган авло”,

тахсил олаётган тенгдошларимиздан бир йил олдин дипломи бўламиз, — дейди кизгина.

Умиданинг дугоналари орасида тикувчиликка кўли бинойидек келишиб, мўмай даромад топаётганлари ҳам бор экан. Зухра Кучиева ўтган ҳафта ўзи тиккан қизлар либосларини 3,5 миллион сўмга пуллабди. Умида Давронбекова эса Қўқон шаҳрида ўтказилган хунармандлар фестивалида қатнашиб қайтибди. Ф.Отахонова иқтидорли шогирдлари Нозима Маъмурова, Сарвиноз Икромова, Орзул Эргашеваларнинг сайй-ҳаракатларини оғиз тўлдириб мактади.

Ишлаб чиқариш таълими усталари Асия Каримова ва Фарид Усмоновлар таълим бераётган 2-босқич ўқувчилари буюртма бўйича ўғил болалар шимларини тикишмоқда. Бу — хунар мактабининг ҳисоб рақамига бюджетдан ташқари маблағ тушади, дегани. Кўли текканнинг оғзи тегеди, деганларидек, буюртмани бажарган қизлар ҳам меҳнатларига яраша улуш олишади.

ФАҚАТ ФАКТ. Туманда халқаро қўшма дастур асосида ташқи ва ички меҳнат бозори учун Германия дуал таълим дастури асосида тикувчи кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Хорижий тиллар ўқитувчиларини замонавий дарслик, ўқув қўлланмалари ва адабиётлар билан таъминлаш учун давлат бюджетидан 8 миллион сўм миқдорда сармоя ажратилди. Тумандаги 5 та йирик ишлаб чиқариш корхонаси — “Peng Sheng”, “Wanda

Group”, “Mega luks”, “ЭРЗ”, “ЙўлРефТранс”да амалиёт хоналари ташкил этилди. “Mega luks”, “Neotex” МЧЖларида 47 нафар ўқувчи иш ҳақи олиб амалиёт ўтайдиган бўлди. 2023 йилда аҳолининг 96 нафари касбга ўргатиш бўйича ташкил этилган курсларда тахсил олди.

Касб-хунар мактаби устахоналари-



да ҳам иш қизғин. Пайвандлаш ишлари бўйича ишлаб чиқариш таълими устаси Баҳром Джаникулов бир гуруҳ шогирдлари билан учкун сачратиб, қандайдир хўжалик буюми ясаётгани устидан чиқдик. Сўраб-суриштириб билсак, улар универсал печка яратишибди ва бу матоҳга буюртма ҳам тушибди. Печка ўтин-кўмир, газ ва электр қуввати билан ишларкан. Рўзгор буюмининг баҳоси 1 миллион 800 минг сўм қилиб белгиланибди. Қиш мавсумида аҳолига шундай печкалардан 20 тасини тайёрлаб, сотишибди.

Бошқа бир ишлаб чиқариш таълими устаси Рустамбек Ровшанов эса токарлик устахонасида шогирдлари билан якка тартибдаги тадбиркор Абдуҳамид Атаевнинг дарвозаларга ошиқ-мошиқлар тайёрлаб бериш бўйича тушган буюртма устида ишлашмоқда.

— Абдуҳамид бизнинг хунар мактабимизни тугатиб, тадбиркор бўлиб кетди,



— дейди Р.Ровшанов. — Ўзининг бинойидек цехи бор. Турли рўзгор буюмлари тайёрлайди. Мактабимизнинг яқин ҳамкори. Айни кунда ҳар бири 15 минг сўмдан 50 та ошиқ-мошиққа буюртма берган. Бундан ташқари, миқозларимизнинг таклифларини инобатга олиб, пичан қирадиган электр жоди тайёрлашни ҳам уддалади.

ФАҚАТ ФАКТ. Ишчи касблар бўйича мамлакат миллий чемпионати — “Wordskills Uzbekistan-2023”да касб-хунар мактаби ўқувчилари ПАЙВАНДЛАШ касби бўйича фахрли 2-, МОДАЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ бўйича 3-ўринни эгалладилар. Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи Халқаро хунармандчилик фестивалида тикувчилик бўйича ишлаб чиқариш таълими устаси шогирди билан иштирок этди.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳасининг мантиқий давоми бўлган “Соурсера” ўқув курсларида таълим муассасасининг АКТ соҳаси бўйича 160 ўқувчи рўйхатдан ўтиб, тахсилни бошлаб юборган.

Президентимизнинг қанотли бир гапи бор: “Кимнинг кичкина бўлсаям кўлида касби бўлса, куни ўтади”. Дарвоқе, шундай. Халқимиз бежиз “Хунар, хунардан унар”, “Хунарманднинг нони бутун”, “Хунар — тўйғизар, от миндириб, тўн кийгизар” деган мақолларни тўқимаган. Аста-секин ота-оналар, йигит-қизлар бу оддий ҳақиқатни тушуниб боришмоқда.

Муҳаммадали АХМАД
Тасвирларда: Сирдарё тумани касб-хунар мактаби ҳаётидан лавҳалар.

Суратлар муаллифники.



• Божхона тизимида

Божхона қўмитасининг Тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш бошқармаси масъуллари иштирокида вилоят божхона бошқармасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва мамлакатимизда товарларни қайта ишлаш салоҳиятини ошириш бўйича учрашув ташкил қилинди.



Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб...

Учрашувда вилоят прокуратураси, Марказий банк вилоят бошқармаси, вилоят инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси, савдо-саноат палатаси, солиқ бошқармаси масъуллари ҳамда вилоят ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлар иштирок этишди.

Дастлаб бошқарма раҳбарияти масъуллари юрти-мизда муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида амал-га оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва берила-ётган имкониятлар ҳусусида сўз юритдилар. Сўнгра Божхона қўмитаси вакиллари томонидан “Божхона ҳудудида қайта ишлаш” режимидан фойдаланишнинг кенг имкониятлари ва афзалликлари, яъни божхона тўловлари ундирилмаслиги ва иқтисодий сиёсат чора-лари қўлланилмаслиги тўғрисида маълумотлар бери-либ, ваколатли иқтисодий операторлар имкониятлари бўйича тушунтиришлар берилди.

Тадбир давомида вилоят прокуратураси, солиқ бошқармаси ва Савдо-саноат палатаси ходимлари тадбиркорларга яратилган энгиллик ва имтиёзлар, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар ҳамда вилоят-да тадбиркорлик субъектларига яратилган қулайли-клар тўғрисида маълумот беришди.

Шунингдек, учрашувда тадбиркорларнинг божхона соҳасига оид таклиф, фикрлари тингланиб, божхона органларида шаффофлик ва очиқликни таъминлаш, соҳани коррупциядан ҳоли тизимга ай-лантириш борасида амалга оширилган ишлар ҳусу-сида тўхталиб ўтилиб, тадбиркорларнинг экспорт ва импорт товарларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш бўйича саволларига масъуллар томонидан тушунтиришлар берилди.

Вилоят божхона бошқармаси
Матбуот хизмати бўлими

БОЖХОНА ИНСТИТУТИГА ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Божхона институтига ўқишга кириш учун аризалар 2024 йилнинг 1 январидан 1 апрелига қадар қабул қилинади.

Номзодлар қабул бошлангач, доимий яшаш, ўқиш, муддатли ҳарбий хизмат ўтаёт-ган ҳудудда жойлашган божхона бошқармала-рига мурожаат этишлари мумкин.

Божхона институти олий ҳарбийлаштирил-ган таълим муассасаси ҳисобланади.

Институтда, ўқиш кундузги шаклда, таъ-лим муддати 4 йил, иқтисодчи ва юрист му-тахассисликлари тайёрланади, ўқишга қабул қилинганлар тўлиқ давлат гранти асосида ўқитилади, бепул формали кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминланадилар ҳамда уларга тиббий хизмат кўрсатилади.

Божхона институтида ўқиш даври бир куни бир кунга божхона органларида хизмат қил-ганлик даврига қўшилади.

БОЖХОНА ИНСТИТУТИГА: умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маъ-лумотиغا эга, ҳарбий хизматни ўтамаган 17 ёшдан 23 ёшгача бўлган, шу жумладан, ўқиш-га қабул қилинган йили 17 ёшга тўладиган ҳамда 23 ёшда бўлган фуқаролар, 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган, шу жумладан, ўқишга қабул

қилинган йили 18 ёшга тўладиган ҳамда 25 ёшда бўлган, офицерлар таркиби ҳарбий ун-вонларига эга бўлмаган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурий танлов асосида қабул қилинади.

Номзодлар: Дастлабки ва махсус касбий танлов босқичларидан ўтказилади.

Номзодлар танлов босқичлари ва белгилан-ган меъёрлар билан: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 апрел-даги қарори билан тасдиқланган “Bojxona instituti bakalavriatiga o‘qishga qabul qilish tartibi to‘g‘risida (https://lex.uz/docs/4313560)” Низом орқали батафсил маълумот олишлари мумкин.

Номзодлар ва уларнинг ота-оналари қў-шимча маълумот олиш учун (67) 227-89-08, (67) 236-76-00 рақамлари орқали Инсон ре-сурсларини ривожлантириш ва бошқариш бў-лимларига мурожаат этишлари мумкин.

Ариза топшириш учун Сирдарё вилояти божхона бошқармаси манзили – Гулистон шаҳри, Сайхун кўчаси, 22-уй. Мўлжал: Сир-дарё вилояти адлия бошқармаси биноси ёнида.

Гулистон шаҳар давлат хизматлари маркази томонидан 26.02.2013 йил-да 0067 тартиб рақами билан дав-лат рўйхатидан ўтказилган “TEMUR BOBUR SARDOR HAMKOR” хусусий корхонасига тегишли бўлган тўртбур-чак штамп ва думалок муҳр йўқолган-лиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Боёвут тумани “1-Боёвут” ҚФЙ “Бобоюрт” МФЙ Дарахтзор кўчаси, 13-уй учун Боёвут тумани “Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат кор-хонаси томонидан 2017 йилда Зоки-ров Одил Умарович номига берилган 12010701060478 рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕ-КОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Султанов Мухитдин Аб-

думаликович номига Гулистон тумани мудофаа ишлари бўлими томонидан 1984 йилда берилган А 625024 рақамли Афғонистон Демократик Республика-сида ҳарбий ҳаракатлар иштирокчиси эканлигини тасдиқловчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИ-НАДИ.**

Фуқаро Норова (Маҳмудова) Робия номига Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Гулистон филиали томонидан 11.03.-07.05.2019 йилгача “Ҳамшира-лик иши” ихтисослиги цикли бўйича қайд рақами 2045 сертификат рақами АА 002507 малака оширган сертифи-кати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ШАХСЛАР ВА ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазир-лиги Тошкент Ҳарбий Округига қарашли Сир-дарё вилоятида жойлашган 532-Сафарбарлик чакирув резерви батальони қўмондонлиги то-монидан ҳарбий тайёргарлик, маданий-маъри-фий ҳамда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича ташкил этилаётган тадбирларни юқори савияда фотолавлар билан оммавий ахборот воситаларида ёрити-лишини таъминлаш ва ҳарбий хизматчиларга хизмат кўрсатиш мақсадида энг яхши таклиф бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Танловда қатнашмоқчи бўлганлар бизнинг манзилга тижорат таклифларини юборишларини сўраймиз.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Мудо-фаа вазирлиги 532-Сафарбарлик чакирув резерви батальони.

Ишчи орган: Ўзбекистон Республикаси Мудо-фаа вазирлиги 532-Сафарбарлик чакирув резерви батальони.

Ишчи орган: масъул шахс — А.Абдурашулов.
Ишчи орган: телефон рақамлари: (99) 835-36-43, (67) 225-56-96.

Ишчи органнинг танлов ўтказиш манзили: Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани “Богистон” маҳалласи, 532-Сафарбарлик чакирув резерви ба-тальони.

Ўтказиб бериш шарти: ётказиб берувчининг куч ва воситалари билан буюртмачининг манзи-лига.

Ўтказиб бериш муддати: доимий.
Танлов ҳолибларини аниқлаш тартиби: таклифнинг техник кўрсаткичини ўрганиб чиқиш.

Буюртмачи техник экспертлар томонидан мах-сулот тўғрисида техник ҳулоса олингандан сўнг танлов комиссияси томонидан нарх таклифларини ўрганиб чиқиш.

Нархи, сифати, яроқлилиги бўйича энг яхши таклифни аниқлаш.

Танлов қатнашчиларига қўйиладиган талаблар.
Ўтказиб бариладиган махсулотнинг талабга мувофиқлигини қафолатлаш.

Тижорат таклифларини иловаларга мувофиқ тақдим этиш.

Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ буюртмачи ёки Мудофаа вазирлиги бўйсунуви-даги ташкилотлар билан аввал тузилган шартно-малар бўйича шартнома шартларини талаб дара-жасида бажармаган, даъво ва суд ишлари олиб борилаётган корхоналарнинг тижорат таклифла-ри қабул қилинмайди ва қўриб чиқилмайди. Шу-нингдек, ноҳалол ётказиб берувчилар реестрида мавжуд ташкилотлардан тижорат таклифлари қа-бул қилинмайди.

Тижорат таклифлари қуйидаги манзилда ҳар куни (яхшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани, “Богистон” маҳалласи, 532-Сафарбарлик чақи-рув резерви батальони.

Телефон рақамлари: (99) 835-36-43, (67) 225-56-96.

Боёвут туманидаги уруғлик пахта ҳамда сабзавот, полиз, мойли, дуккакли ва бошқа экинлар уруғчилиги билан шуғулланувчи субъектлар раҳбарлари диққатига!

2024 йилнинг 15 январидан Боёвут тумани кишлок хўжалиги бўлими би-носида 2024 йил ҳосилидан уруғлик пахта ҳамда сабзавот, полиз, мойли, дуккакли ва бошқа экинлар уруғчилигини етиштириш ҳуқуқини қўлга кири-тиш учун субъектлар ўртасида тендер танловига қатнашиш учун ҳужжатлар қабул қилиш бошланди.

Танловда қатнашиш истагини билдирган фермер хўжаликлар раҳбарла-ри белгиланган тартибдаги ҳужжатлари тўпламини 2 нусхада туман кишлок хўжалиги бўлимида тузилган танлов комиссиясига 5 февраль куни соат 18. 00 гача тақдим қилишлари сўралади.

Ҳужжатларни қабул қилиш 5 февраль куни 18.00 да тўхтатилади. Кўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефон рақамлари орқали муро-жаат қилишингиз мумкин: (67) 390-10-76, (94) 586-11-00, (93) 295-48-45.

Ҳожилар ўз мақомига муносиб бўлсалар...

• Ёрқин фикр



— Хорманг, ҳожи ака.
— Саломат бўлинг.
— Тинчликми?
— Ҳамма уй ичида икки ёшга бахт тилаб, уларнинг порлоқ келажаги учун тилак айтиб, ўйин-кулгу қилиб ўтирибди. Сиз бўлсангиз, меҳмонлар билан эмас, уй ташқарисида деразадан ҳожиларни кузатиб турибсиз.

— Биласизми, мен фақат ҳожиларни эмас, ҳамроҳларингиз—ўғлимнинг курсдошларини ҳам кузатмоқдаман. Улар ўтирган хонадаги суҳбатларни ҳам эшитдим. Энди айтинг, мана, сиз ўғлимнинг курсдошисиз. Уртоғингизнинг шундай бахтли кунда унга эзгу тилаклар айтиб, дўстларингиз билан унинг яхши ҳислат ва фазилятларини эслаб, бизнинг хонадонимизда ҳаммаша яхши кунлар бўлишлигини тилаб, хуш кайфиятда ўтирибсизлар.

Ўғлимнинг синфдош дўстлари ўтирган хонада ҳам шу тахлит яхши ниятлар билдирилмоқда. Лекин менинг ҳожи дўстларим ўтирган хонада бундай гапларнинг ўрнига бошқача хангома бўлаяпти. Улар асосан кимнинг ўғли олийгоҳга ўқишга кира олмагани, кимнинг оиласи нотинч эканлиги, кимнингдир иши юришмаётгани, кимдир учинчи бор умра зиёратига бориб, келиб, “зиёфат” бермагани каби гап-сўзлар билан машғул. Улар учун эзгу фикрлардан кўра, кимнидир айблаш, кимнидир камситиш шунчалар муҳим-

ми? Уларнинг ўзлари айб, нуқсонлардан холими? Ҳамнафас бўлиб, юзма-юз ўтирган ёшлар уларнинг оппоқ либосларига ҳавас билан қараб, амри маъруф даражасидаги ибратли, сермаъни, фикрларни эшитишга орзуманд бўлиб ўтиришади. Лекин...

Гоҳо ўйланиб қоламан. Сўнгги вақтларда умра зиёратига бориб, келганларга одамлар ўзларича “ҳожи” макomini бериб мурожаат қилишлари урфга айланиб қолди. Аслида умра бу — зиёрат, суннат амаллардан бири, ҳаж эса, ибодатдир.

Юртбошимиз томонидан бугун барча дин вакиллари учун ҳар қачонгидан қулай имконият ва шароитлар яратиб берилмоқда. Хусусан мусулмонлар йил давомида умра зиёратига бориши. Ҳар йили 15 минг нафардан ортик фуқароларимизнинг ҳаж амалларини бажариши ва бошқалар. Буларнинг барига шукр қилиб, умра зиёратига ва ҳажга бориб келган фуқароларимиз маънавият, маърифат ва маданият борасида бошқаларга ўрнак бўлишлари керак.

Яқинда бир вақтда ҳаж ибодатини бажариб келган отахонларнинг “ҳожи йигин”ларида иштирок этдим. Ростини айтсам, бу йигинни “тўқликка шўхлик” деб атаган бўлар эдим.

Айрим ҳожи акалардаги кибру ҳаво, бошқалардан ўзини бир поғона устун қўйиши, аччиқ бўлса-да бор гап. Улар инсонларни ҳажга, умрага бор-

магани учун писанд қилмасликка қачон одатланишди? Табаррук жойларга қадамлари етган миллатдошларимизнинг савияси шунчалик паст даражадами? Ўзларини шундай тутишга уларнинг маънавий ҳақлари борми?

Яқинда бўлиб ўтган “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси” таъсис конференциясида муфтий Нуриддин Холиқназаровнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовор:

— Бугун умра зиёратига ва ҳажга бориб, келиб, ортикчариёга, дабдабага, берилиб кетаётган юртдошларимиз ҳам учрамоқда. Бунинг ўрнига одамларга қўлимиздан келганча яхшилик, эзгулик қилишга интилка, бор билим ва иқтидоримизни жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга сарфласак. Хусусан ёшлар таълимига сармоя, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга қўмак. Ёшларимиз билиб-билмай нотўғри йўللарга кириб кетишларининг олдини олиш чоралари каби масалаларда маҳалла етилигига қўмакчи бўлсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Жамият ҳаётида ютуқларимиз бисёр. Бироқ мавжуд ижтимоий-маиший муаммолардан қўз юма олмаймиз. Бу муаммоларни ҳал этишда қўшни қўрган ҳам диний, ҳам дунёвий илмлардан бохабар бўлган ҳожиларимизнинг қўмаги ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Ушбу фикрлар “шу юрт фарзандиман”, деган ҳар бир кишини ўйлашга, фикрлашга ундайди. Маҳаллалардаги ҳожилар “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси” Мурожаатномасида таъкидланганидек, “Менинг маҳаллам — менинг истикболим — менинг тақдирим” тамойилини барча ёшдаги фуқароларнинг онгига синдиришда жонбозлик кўрсатсалар, нур устига ало нур бўлар эди. Бундан динимизнинг ҳам, маънавиятимизнинг ҳам нуфузи янада ортиб, ҳожилар ўз мақомига муносиб бўлар эдилар.

Баҳром БОЙМУРОДОВ

• Ҳаёт кўзгуси

КОМИЛ ИНСОННИ МАЪРИФАТЛИ ОНА ТАРБИЯЛАЙДИ

Асл тарбия иймон билан вожибдир. Ота-оналар уй-жой, кийим-кечак ва танларини тоза тутишни фарзандлари онгига болаликданок синдирадилар. “Бола мўмиё кабидир. Мураббий уни истаган шаклга солиши мумкин. Фарзанд онасининг ёнида бир пок саҳифа кабидир. Унинг қалбига ҳеч бир нақш ёки сурат солинмаган. Аммо бундай қалб ... ҳамма нарсага мойилдир. Шунинг учун ҳам уни гўзал амаллар билан банд этиш лозимдир. Бу қалб эзгуликлар ва билимлар билан тўлдирилса, фарзанд мукамал инсон бўлиб етишади”, деганлар Имом Ғаззолий.

Гўзал тарбия, юксак маънавият сабоқлари уни камолга етказди. Фарзандни бу дунёга келтирган, унга меҳр назари билан



қараган, тарбиялаган ва дастлабки билимни берган ҳам онадир. Бола унинг тарбияси ва қанотлари остида улғаяди, вояга етади. Расулulloх (с.а.в.) марҳамат қилиб: “Фарзандларингизни ҳурматланг ва уларнинг одобини гўзал қилинг”, деб таъкидлаганлар. Зеро, икки дунёмиз обод бўлиши фазандларимиз камолига боғлиқ. Шундай экан, бу йўлда лоқайдлик қилмаслигимиз, доимо эътиборли бўлишимиз зарур. Солиҳа аёл фарзандига фақат оқ сут бергани учун эмас, тарбия бергани учун ҳам қадридир.

Расулulloх (с.а.в.) бир ҳадиси шарифларида: “Бола у эмган онанинг ахлоқи билан хулқланади”, дея марҳамат қилганлар. Она солиҳа аёл бўлса, бола учун катта неъматдир. Барчамиз фарзандларимизни келгуси ҳаётга тайёрлашимиз, уларга фойдали илм ва яхши тажриба ўргатишимиз лозим. Ҳазрати Али (р.а.) бу хусусда: “Фарзандларимизни келажакка муносиб этиб улғайтирайлик. Зеро, улар бугунги замон учун, келгуси ҳаёт учун яратилганлар”, дея марҳамат қилганлар. Ҳар бир солиҳа аёл фарзандларини тўғри йўлда улғайтириши лозим. Фозила, оқила ва маънавиятли онадан яхши фарзанд дунёга келади. Комил инсонни маърифатли она тарбиялайди. Илоҳим, маърифатли аёллар қўпаяверсин. Аллоҳдан оналарга саломатлик, куч-қувват тилаб қоламиз.

Фароғат СУЛТОНОВА,
Мирзаобод тумани “Наврўз”, “Тинчлик”
ва “Нурафшон” маҳаллалари отиноийиси

• Ибратли ҳикоялар

СИНОВ

Бир инсонга қўп иззат-ҳурмат ва бойлик берилди. У ўз жигарлари ва яқинларига қўлдан келганича ёрдам берарди. Айниқса, кенжа укасига қўп ёрдам қилди. Чунки ака отанинг пандига қулоқ солиб, қийинчиликлар эвазига кўзлаган мақсадига эришаётганди. У оқибат нималигини яхши биларди. Ҳеч вақт ота-онасининг сўзини икки қилмасди. Аммо ука акасига ҳасад қилар, зимдан акасининг савдосига кўз олайтириб, дўкondaги молларидан ўмарарди. Бориб-бориб, уканинг сирлари очилди. Ака ота-онага шикоят қилди. Улар укага қаттиқ танбех бериб, қўп насиҳатлар қилди. Ука бу ишни қайтармасликка

ваъда бериб, акадан минг бор узр сўради. Аммо акага нисбатан ҳасадди тинчлик бермасди. Яна хиёнат йўлига ўтди. Ака-ука ўртасида низо чикди, ёмон нафс ғолиб бўлди, орага шайтон оралади. Бунга қўшимча ука уялмасдан акасига:

— Мен сенга ҳасад қиламан. Нима учун сен омадлисан? Нимага сенга берилади-ю, менга эса йўқ?! — деди юзсизларча сенсираб.

— Чунки сенда инсоф йўқ! Сабр-қаноат, шукр ва оқибат йўқ! Сенинг қалбингнинг ҳасад кемиради. Ота-онамизнинг айтганларини қилиб, ҳалол ишлаганингда қўлимдан келган ҳамма ёрдамни қилмоқчи эдим. Афсуски, сен хиёнат йўлини танладинг, нафсингга қўл бўлиб, ўз жигарингга хиёнат қилишдан ҳам қўрқмадинг, — деди ака.

Аканинг кўнгил ойинаси синди,

икки жигар ўртасидан меҳр-оқибат кетди. Оқибат ўлди. Синган кўнгилни нима ҳам чегалай оларди?

Улуғларимиз демишларким: “Бировнинг хусну жамоли ва бойлигини кўрсанг, ҳасад қилма ва дарҳол ўзгаларга назар сол. Бу дунёда сендан кўра хунукроқ ва камбағалроқлар ҳам бор-ку”. Хусну жамоли Парвардигорнинг санъатидир. У кимни хоҳласа, гўзал қилади. Мол-дунё, мартаба ва мансаб ҳам имтиҳон учун берилади. Шундай экан, эй, азизим! Асло ҳасад билан бойлик ва улуғликка эришман, деб хато қилма.

Орадан вақт ўтиб, ука ҳасад билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини англади ва акасидан узр сўраб, тўғри йўлга ўтди.

(“Сирли, ибратли ва ҳаётий воқеалар” китобидан.)

YANGI SIRDARYO

Bosh muharrir:
Bahrom BOYMURODOV

Muassis: Sirdaryo viloyati hokimligi

2020-yil 25-iyunda Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi Sirdaryo viloyati boshqarmasida 10-023 raqami bilan ro'yxatga olingan.

TELEFONLAR:
Qabulxona: (67) 225-21-05,
O'rinbosar: (67) 225-11-14,
Bo'limlar: (67) 225-01-92,
(67) 225-01-67, (67) 225-26-53,
(67) 225-12-59, reklama va e'lonlar: (67) 225-15-07.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Gazeta “Yangi Sirdaryo” tahririyati kompyuter markazida terilib, sahifalandi. A-3 formatda, 8 sahifada 2 bosma taboq ofset usulida “SHARQ” NMAKda 1500 nusxada chop etildi. Bosmaxona manzili: Toshkent sh., Mirobod tumani, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Tel.: (71) 233 11 07. Buyurtma 7-148

Bizga yozing: 120100. Guliston shahri, Navoiy shohko'chasi, 30-uy. Telegram: @yangisirdaryogazetasi
Facebook: Yangi Sirdaryo Gazetasi

NAVATCHI:
H. ABDUVOHIDOV

Nashr ko'rsatkichi 459.
ISSN 2181-5984
Topshirish vaqti - 16.00
Topshirildi - 18.00
26.01.2024-yil

—Tijorat materiali
Sotuvda erkin narxda